Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши.
3 ДЕКАБРЬ 1970 Й
ПАЙШАНБА
№ 285 (1353).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXIV съездини муносиб кутиб оламиз!

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

◆ ЭЛЕКТРОН ТЕХНИКА ЗАВОДИНИНГ КОЛЛЕКТИВИ ЮКСАК КЎРСАТКИЧЛАРГА ЭРИШДИ. ◆ МИНУТЛАР ҚИЙМАТИ.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ МАРРАГА ЕТДИ

Беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш ва КПССнинг XXIV съездини муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олишга аҳд қилган пойтахтдаги Октябрь райони меҳнат аҳли ажойиб муваффақиятни қўлга киритди.

Бугун

РАЙОН САНОАТЧИЛАРИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА УНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ АДО ЭТИЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА ҒАЛАБА РАПОРТИ БЕРДИЛАР.

Октябрь райони саноатчилари ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, пландан ташқари яна ўн уч миллион сўмлик маҳсулот беришга қарор қилдилар.

Ҳозирги кунда райончинг йигирмага яқин корхонаси 1971 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Трактор йиғув заводи, бадий буюмлар, 3-тикувчилик ва 2-пойафзал, кўн-галантерея фабрикалари, «Миконд», 6-пиво заводларининг коллективлари вақтдан ўзган ҳолда ишлаб, шу кунларда келгуси беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Тонгги ГАЗЕТАЛАРДА

✦ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев ва СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 1 декабрда самолётда Москвадан Берлинга учиб кетдилар.

✦ БЕРЛИН, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар қардош партиялари ва ҳукуматлари раҳбарларининг учрашувида қатнашиш учун Совет делегациясининг бошлиғи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Берлинга келди.

✦ БЕРЛИН. Кеча бу ерда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар қардош партиялари ва ҳукуматлари раҳбарларининг учрашуви бошланди.

Пахта байрами

ИППОДРОМ ШОДИЁНАЛАРИ

РЕПОРТАЖ

1970 йил Ўзбекистон тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилди. Унинг баҳори, ёзи, кузи нақадар саҳий ва саховатли келди. Ҳа, чиндан ҳам деҳқонлар орзуси ушаладиган йил келди. Бепоён далаларда, боғу-роғларда ҳосил мислсиз етишди.

Кеча пойтахтимиз меҳнаткашлари ажойиб воқеанинг гувоҳи бўлдилар. Серқуёш диёримизда етиштирилган мислсиз ҳосил— 4 миллион 665 минг тонналик «оқ олтин» хирмонига бағишлаб катта пахта байрами ўтказилди.

Умумхалқ шодиёнасига айланган бу тантанани ўтказиш учун Тошкентнинг янги ипподроми икки кун байрам қатнашчилари ихтиёрига бериб қўйилди.

Кеча эрталабданоқ ҳаво чиройли очилиб кетди. Қуёш ўзининг шаффоф нурларини майдон узра пуркай бошлади. Минг-минглаб машиналар колоннаси кенг ва равон «Халқлар дўстлиги» кўчасидан ўтиб ипподромга кела бошлади. Бу ерга келаётган кишилар орасида — Сирдарё областининг янги ерларини ўз амрига бўйсундираётган қўриқчилар, Сурхондарё области азамат пахтакорлари, Қашқадарёнинг механизаторлари, Хоразм воҳасининг юқори ҳосил усталари ва пойтахтнинг талантли машинасозларини кўриш мумкин.

Ипподром ниҳоятда гўзал ва чиройли безатилган. Бу ерга қадам қўйган кишининг баҳри-дили очилиб, қалби қувончларга тўлиб кетади. Трубиналарда ўн мингларча томошабинлар байрамнинг бошланишини сабрсизлик билан кутишмоқда.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри Н. Худойбердиев республика меҳнаткашларининг бу йилги қўлга киритган олам-шумул ютуқлари ва зафарлари ҳақида нутқ сўзлади.

Шундан кейин духовой оркестрнинг тантанавор марши садолари остида байрам байроғи кўтарилади.

Барча областлардан келган қўша-қўша орденли пахтакорлар, пойтахт физкультурачилари, ДОСААФ спортчилари, чавандозларининг колонналари минбарлар олдидан саф-саф тортиб ўтишади. Байрам жуда чиройли бошланди.

Ҳавода учувчи Евгений Аветин бошқарган «ЯК-12» самолёти пайдо бўлади. У майдон узра Ўзбекистон ССР Давлат байроғини хилпиратиб парвоз қилиб ўтади. Моҳир учувчи қиз Робиға Аминованинг номини чет мамлакатларда яхши биласиз. У ўзи бошқарган «ЯК-18» самолёти билан пўлат «қанотли қуш»лар группасига бошчилик қилади.

Учувчилар ҳавода учишнинг энг мураккаб ва завқли машқларини намойиш қиладилар. Юқори тезлик билан учиб бораётган самолётлар бирдан ўз йўналишларини ўзгартириб, кўм-кўк осмонга гул шаклини ҳосил қиладилар.

Айниқса, моҳир учувчи Валентин Брижицкий енгил спорт самолётини чиройли парвоз эттириб, ҳаммани қойил қолдирди. Самолёт осмонда бир неча марта чархпалак бўлади, осмонга ва ерга тик шўнғийди, бир неча бор агдарилиб, мисол парпирак бўлиб кетади.

СССР фахрий спорт мастери, жаҳон рекордчиси, мамлакат ва республика чемпиони Иброҳим Фасҳуддиновнинг жасорати ҳаммани лол этди. У самолётга арқон билан осилиб парвоз қилади ва парашютда ерга тушади.

Навбат турли областлардан келган энг моҳир ва уста чавандозларга берилади. «Қиз қувиш» ўйинидаги эпчиллик ва моҳирлик томошабинларни қойил қолдирди. Самарқандлик Р. Ҳасанова билан О. Горьковский бу ўйинни маҳорат билан ижро этишди. Отда юриш олий мактабининг талантли чавандози Виктор Угрюмов бошчилигидаги спортчилар отларини музиканинг ёқимли пардаларида рақсга туширдилар.

Байрамда Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети мукофотини олиш учун қора байр отларда 1800 метрга чопиш мусобақалари ўтказилди. Мусобақада сирдарёлик Д. Бердибеков, сурхондарёлик Х. Хоназаровлар голиб чиқишди.

Шунингдек, томошабинлар «Агдариш», «Сувир папақ», «Оломон пойга», «Чавгон» ўйинларини ва бир неча хил мусобақаларни завқ билан томоша қилдилар. Мусобақалар охирида катта улоқ ўтказилди.

***

Пахта байрами тантаналарида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. РАШИДОВ, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари Р. ҚУРБОНОВ, И. Р. ҚУБОНОВ, В. Г. ЛОМОНОСОВ, О. У. САЛИМОВ, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзолигига кандидатлар М. А. АБДУРАЗЗОҚОВ, М. Т. ТУРСУНОВ, Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник С. Е. БЕЛОНОЖКО ўртоқлар қатнашдилар.

А. ПУЛАТОВ.



Республика ДОСААФ клубининг спортчилари тантаналы юришда.



СУРАТЛАРДА: Пахта байрамига республикамизнинг барча областларидан келган чавандозлар ўз маҳоратларини намойиш қилмоқдалар. «Қиз қувди» ва «Оломон пойга» мусобақалари. М. Нуриддинов фотолари.

Юксак кўрсаткичлар

Тошкентдаги электрон техника заводининг коллективи ленинча беш йилликда ўзининг фидокорона меҳнати туфайли катта муваффақиятларни қўлга киритди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш беш йиллик плани муддатидан икки ой илгари адо этилди. Шу йиллар мобайнида буюмлар ишлаб чиқариш ҳажми эллик бир процент ўсди. Бундай кўрсаткичга, асосан меҳнат унумдорлигини ошириш туфайли эришилди. Беш йилликка белгиланган меҳнат унумдорлигини ошириш даражасига муддатидан етти ой илгари эришилди.

Корхонанинг кўпгина ишчи-хизматчилари ишлаб чиқаришни янги техника билан қуроллантиришга ва уни такомиллаштиришга яхши ҳисса қўшиб келмоқдалар. Ижодий фикр эгалари юзлаб фойдали таклифлар киритдилар. Уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида икки миллион икки юз минг сўм иқтисодий фойда кўрилди.

Корхонада кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ҳам кўпайди. У асосан ишлаб чиқариш чиқиндиларидан тайёрланмоқда. Масалан, автомашина ва мотоциклларнинг аккумуляторларини зарядга қўядиган реле-регулятор автомобиль транспортчиларига жуда маъқул бўлди.

Корхонада электр ҳисоблаш ва ҳисоблаш техникалари жорий этилди. Шунинг натижасидаа ишлаб чиқариш автоматик усулда муваффақиятли бошқарилмоқда.

Хом ашё ва материаллардан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳаракати кенг авж олган. Айниқса иш вақтининг ҳар бир минутидан унумли фойдаланилмоқда. Бунга амал қилинганлиги сабабли ишлаб чиқариш унумдорлиги ва самарадорлиги муттасил ортиб бормоқда.

Беш йиллик маррадан ўзган коллективнинг юзлаб ишчилари 1971—72 йиллар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Айниқса, корхонада пешқадам ҳисобланган слесарлардан Я. Содиқов, П. Проценко, Г. Лазовский, Е. Кузнецова бошлиқ бригада ишчилари, токарь: Д. Виняев ва бошқалар юқори кўрсаткичга эришмоқдалар.



«Компрессор» заводининг машинасозлари беш йиллик топшириқларини шараф билан адо этиб, мамлакатимиз халқ хўжалиги учун зарур бўлган барча буюртмаларни адо этмоқдалар.

СУРАТДА: машинасозлардан Ф. Антонов ва С. Ануфриев навбатдаги агрегат ғилдиракларини тайёрлаш устида.

✻ Якун ва режалар

ТИКУВЧИЛАР МАРРАСИ

Республика тикувчилик корхоналари коллективларининг беш йилликда қилган меҳнатлари жуда барака кали бўлди.

Бугун

улар беш йиллик план топшириқларини муддатидан олдин бажарганликлари ҳақидаги ғалаба рапортга имзо чекишди. Бу меҳнат муваффақияти ҳақида Ўзбекистон ССР енгил саноат министрлиги тикувчилик Бош бошқармасининг бошлиғи А. ТОШПЎЛАТОВ қуйидагиларни маълум қилди.

— Республикадаги тикувчилик корхоналари беш йил мобайнида жуда катта зафар йўлини босиб ўтдилар. Жумладан, улар ишлаб чиқариш маданиятини бир мунча оширдилар, юзлаб янги хил моделлар ишлаб чиқаришга жорий қилинди, жуда кўп корхоналар ва участкалар замонавий машиналар ва дастгоҳлар билан қайта жиҳозланди. Самарқанд ва Чирчиқ шаҳрида янги корхоналар қурилиб ишга туширилди. Тошкентда эса «Юлдуз» фирмасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Республикамиз тикувчилари беш йил мобайнида ҳаммаси бўлиб 923,9 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Бу рақамдан меҳнаткашлар ранг-баранг кийим-кечаклар билан таъминланганликларини билиш мумкин. Барча коллективлар беш йилликнинг сўнгги кунларида ҳам баракали меҳнат қилишга бел боғладилар. Йил охиригача планга қўшимча 23 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

✻ САНЪАТ ОЛАМИДА

Музикали асарлар фестивали

КПССнинг XXIV съездига бағишлаб Ватанимизнинг пойтахти Москвада Бутуниттифоқ музикали асарлар фестивали ўтказилади. Ана шу фестивалга республикамиз композиторлари ҳам ўзларининг янги асарларини тақдим қиладилар.

Алишер Навоий номли ўзбек Давлат академик катта театри санъаткорлари И. Ҳамроевнинг «Ойжамол» операсини саҳналаштириб томошабинлар диққатига ҳавола қилдилар. Бу саҳна асари ана шу фестивалда намойиш қилинади. Шунингдек, Борис Зейдманнинг «Рус кишилари» операси, композиторлардан С. Юдаков, А. Берлин, М. Ашрафийларнинг бир пардали асарлари ҳам фестивалда намойиш учун юборилади.

«Тановар» балети

Алишер Навоий номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли ўзбек Давлат академик катта театри коллективи композитор Козловскийнинг «Тановар» балетини саҳналаштиришга киришди. Бу саҳна асари ўзбек театрининг қалдирғоч санъаткорларидан бўлган ажойиб актриса Нурхоннинг ёркин хотирасига бағишланади. Балетда ёш санъаткорнинг ижод оламига бўлган интилиши ва орзуларининг рўёбга чиқиши акс эттирилади.

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ ГЕНЕРАЛ СОБИР РАҲИМОВНИНГ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Партия ва совет халқининг содиқ фарзанди, Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал Собир Раҳимовнинг улуғ Ватан уруши йилларида социалистик ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган курашдаги катта хизматларини, фашист босқинчиларга қарши олиб борилган жангларда кўрсатган мардлиги ва жасоратини тақдирлаб, республика меҳнаткашларининг кўпдан-кўп истакларини назарда тутиб, унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарор қиладилар:

1. Тошкент шаҳрида янгидан тузилаётган районга Собир Раҳимов номи берилсин ва уни Собир Раҳимов райони деб аталсин.

2. Тошкент шаҳрининг олий ўқув юртлари шаҳарчасидаги майдонлардан бири генерал Собир Раҳимов номи билан аталсин ва шу майдонда унга ҳайкал ўрнатилсин.

3. Қуйидагиларга Собир Раҳимов номи берилсин:

а) Сирдарё область Пахтакор районидаги 29-совхозга;

б) Фарғона шаҳридаги политехникумга.

• *Институт янгилиги*

ТОҒ ВА ЧЎЛЛАРДА ЎРМОН

Саксовул чексиз қум саҳроларининг ёввойи ўсимлигидир. У ҳар қандай шамолларга бардош бера олади. Чунки, дарахт илдизлари ер остига мустаҳкам ўрнашган. Саксовул ниҳоллари эса чорва моллари учун тўйимли озуқа ҳисобланади.

Республикамиздаги чўл майдонларида саксовулзорларни кенгайтириш ўрмон ходимларининг олдида турган вазифалардан биридир. Илгариги пайтларда саксовулнинг уруғини қўлда йиғиштириб олиш учун Қорақум ва Қизилқум саҳроларига кўплаб экспедициялар юборилар эди. Тошкентдаги Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг ходимлари ўз кашфиётлари билан бундай машаққатли меҳнатга барҳам беришди бўлдилар. Улар яратган махсус машина саксовул уруғини теришга мўлжалланган. Янгилик Бухоро областида синовдан ўтмоқда. Бир сменада ўттиз килограмм саксовул уруғини йиғиштириб оладиган бу машина «ССМ» деб аталди.

Институт ходимлари тоғ бағирларида дарахтзорлар барпо этиш учун махсус майдончалар тайёрлайдиган машинани ҳам синовдан ўтказиб бўлдилар.

МЕҲРИ ДАРЁ

Карима опа Сибаевани Куйбишев районида кўпгина ота-оналар ва ва ўқувчилар ҳурмат билан тилга олишади. Карима опа 1945 йилдан буён 211-мактабда ишлайди. У шу йиллар мобайнида минглаб ўқувчиларга ўз билим зиёсини бахш этди. Қанча-қанча шогирдлар етиштирди.

Касбига ихлос қўйган тарбиячи ҳар бир ўқувчини ўз фарзандидай суйиб, ардоқлайди. Унинг шогирдлари республика ҳалқ хўжалигининг турли тармоқларида самарали меҳнат қилмоқдалар.

КЎЧАТ ЎТҚАЗДИЛАР

Декабрь — шаҳарликлар учун кўчат ўтқазиш ойлиги деб эълон қилинди. Куни-кеча икки мингга яқин ҳамшаҳаримиз бу ойликда қатнашди. Улар йўлкалар, хиёбонлар, кўча чеккалари ва ҳовлиларга манзарали ва мевали кўчатлар ўтқаздилар.

Юбилей йилининг сўнгги ойида яшил табиат ошиқлари 2 миллион туп кўчат ўтқазишга аҳд қилишган.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг XII чақириқ VII сессиясини чақириш тўғрисида

БИЛДИРИШ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети депутатларга шуни маълум қиладики, Тошкент шаҳар Советининг XII чақириқ VII сессияси 1970 йил 9 декабрь эрталаб соат 10 да республика Билим уйи (Киров кўчаси, 24)да ўтказилади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар қўйилган:

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1969 йил 5 июндаги «Республика физкультура ва спорт ишларининг аҳволи ва уни ривожлантириш чоралари ҳақидаги қарорнинг бажарилиши.

Докладчи: Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари **Х. Ё. Ёқубжонова.**

Қўшимча докладчи: Тошкент шаҳар Совети мудофаа физкультура доимий комиссиясининг раиси **Б. Х. Сирожиддинов.**

Депутатлар ўша ерда 1970 йил 9 декабрь эрталаб соат 9 дан рўйхатга олинадилар.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

• *Ободонлаштириш ойлиги давом этмоқда*

БОҒ ВА КЎКЛАМЗОРГА АЙЛАНТИРАМИЗ

Тошкент шаҳрининг кенжа районларидан бири бўлган Сергелининг ташкил топганига эндигина тўрт йил тўлди. Шу давр мобайнида бу ерда истиқомат қилувчи ишчи хизматчилар район территориясини боғ ва кўкаламзорга айлантириш мақсадида жуда кўп ишлар олиб боришди. Йўлдош шаҳарчанинг Совет Армияси майдонида, 42-кварталда ҳамда боғ-кўл атрофларига неча минглаб ҳар хил дарахт ва гул кўчатлари экилиб, яхши парвариш қилинди. Эндиликда бу ниҳоллар вояга етиб, районга ўзгача файз бахш этди.

Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг 1970 йил 29 октябрда қабул қилган қарорига биноан кузги дарахт экиш мавсумини бошлаб юборди. Шанбалик ва якшанбаликлар ташкил қилиниб ,унда қатор корхона ва район ижроия комитети бўлимларининг ишчи ва хизматчилари фаол иштирок этдилар. Ободонлаштириш ойлигида «Водоканал» трестининг Сергели район бўлими, 1-ЖЭК, биринчи уй бошқармаси, район соғлиқни сақлаш бўлими, 1-мебель фабрикаси каби корхона ва ташкилотлар коллективлари намуна кўрсатмоқдалар.

Кузги ободонлаштириш кунларида районимиз кўча бўйларига, хиёбонларига 38000 дона турли дарахт ниҳоллари 300 минг туп гул кўчатлари ўтқазиш планлаштирилган. Шунингдек, ариқлар тартибга келтирилади, янги сув йўллари очилади, обод районларидан бирига айлантиришдир.

К. АБДУЛҒОЗИЕВ,
меҳнаткашлар депутатлари Сергели район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

✻ *Барчаси аҳоли учун*

ҚИММАТЛИ ЮТУҚЛАР

Ўзбекистон меҳнат омонат кассаларига давлат крединн бошқармасида республика пул ва буюм лотереяларининг беш йиллик якунлари ҳисоб-китоб қилинятпти. Бошқармадан редакцияга қуйидагиларни маълум қилишди.

Беш йилликда пул-буюм лотереялари аҳолининг катта қизиқишига сазовор бўлди. Лотереяларнинг ҳамма ўйинлари муваффақиятли ўтказилди.

Лотерея давлат ва аҳоли учун жуда фойдали бўлди. Аҳолига 20 та «Волга», 330 та «Москвич», 120та «Запорожец» машинаси, 810 та турли маркали мотоцикль, 6 минг 630 та холодильник, 8 минг 100 та гилам ва ҳар хил буюм ютуқлари тортиқ қилинди. Бу буюмлар 15 миллион 956 минг сўмни ташкил қилади.

Бундан ташқари ўн мингларб ютуқ эгаларига пул берилди. Беш йилликда барча пул ва буюм ютуқлари 26 миллион 325 минг сўмни ташкил қилади.

Келгуси йили Ўзбекистонда 8 миллион 775 минг сўмлик пул-буюм лотереяси ўйналади.

1970 йил
13 декабрь — Халқ судларига сайловлар куни

АДОЛАТ ПОСБОНИ

Судья деганда аввало кўз ўнгимизда кишиларнинг шикоят ва аризаларига диққат билан қулоқ соладиган, жиноятчига жазо беришгина қолмай, айни вақтда, унга тарбия ҳам берадиган, ҳар бир ишнинг «икир-чикирлари»гача синчиклаб ўрганадиган адолат посбони кўз ўнгимизда гавдаланади. Октябрь район халқ судининг раиси Собит Дадажонов ана шундай кишилардан биридир.

...Шокир Раҳимов деган киши узрсиз сабаб билан ишдан бўшатилди. У анча вақтгача ўзи ишлаган ташкилотга қатнади. Лекин эрта келинг, индинга келинг баҳонаси билан овора-ю, сарсон бўлди. Ҳа, деганда натижа бўлавермагач, район халқ судига мурожаат қилди. Суд раиси Собит ака қисқа вақт орасида унинг ишини ҳал қилиб берди. Шокир Раҳимов яна ўз вазифасига тикланди.

Район судида ҳар хил ишлар кўрилади: асоссиз равишда ишдан бўшатилган борми, оила жанжали, ҳовли олди-сотди можаросидан тортиб, энг оғир жиноий ишларни кўришгача тўғри келади. Албатта, ҳар қачон адолат томонида туриб, ишни ҳаққоний равишда ҳал қилиш лозим.

Мана, бугун суд мажкамасида одатдагидан ташқари гавжумлик. Чунки: «Хайриддиннинг иши судда кўрилармиш». —деган гапни эшитган яқин қариндош-уруғ л а р и дан тортиб, таниш-билишлари-ю, қўни -қўшниларигача бу ерга келишган эди.

Суд ҳайъати залга кириб келганида, ҳамма уларни ўрнидан туриб кутиб олди. Баланд бўйли, жуссадор, оғир-вазмин табиатли судья Собит Дадажонов стол устидаги «Дело»ни варақлай бошлади.

— Қани, судланувчи Хайриддин Насриддинов, ўрнингиздан туринг-чи. Айбингизга иқрормисиз? — деб сўради у.

— Қисман, — деди судланувчи.

— Аниқроғи?

— Ростини айтсам, айбдор эмасман.

— Демак, айбсиз айбдорни бу ерга олиб келишибди-да?

Тошкент маданий хўжалик моллари савдо бўлимига («Ташхозкультторг») қарашли б-хўжалик магазини, мебель секциясининг мудири Хайриддин Насриддинов шу йил 3 июль куни «Ташхозкультторг»нинг савдо бўлимидан ишонч қоғози олиб, гиламлар келтиргани Ленинобод областидаги «Қайроққум» комбинатига боради ва 75 дона гилам олиб қайтади. Лекин моллар ўша куни складга келтирилмайди. Эртаси куни магазинга 8400 сўм нақд пул ўтказилади. Хўш, гиламлар қани, қаёққа кетди? Бу саволга ҳаққоний жавобни суд раиси Собит Дадажонов берди. Судья ашёвий далиллар, гувоҳларнинг кўргазмалари асосида масалани ҳал қилди.

Орадан кўп ўтмай, залда адолатли ҳукм ўқилди: Х. Насриддинов ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилгани, савдогарчилик мақсадида 75 дона гиламни ортиқ баҳода сотганлиги учун етти йилга ҳукм қилиниб, мол-мулки давлат фойдасига ўтказилди...

Ҳа, бундай жиноий ишларни Собит Дадажонов ўзининг қарийб 20 йиллик иш фаолиятида кўп кўрди. Судья Дадажонов суд мажлисининг тарбиявий таъсир кучини яхши билади. Шунинг учун, у сайёр суд мажлисларини маҳаллаларда, корхоналарда, ўқув юртларида ўтказишга катта эътибор беради.

Яқинда, ана шундай очиқ суд мажлисларидан яна бири Октябрь районидаги Микоян номли маҳаллада ўтказилди. Маҳалла клуби одамлар билан лиқ тўлди. Бу ерда 23 яшар Сабрилла Тошмуҳамедовнинг иши кўрилди...

Ҳаёт тасодифларга тўла. Суд мажкамасига кимлар келмайди дейсиз? Турмушда тасодифан жанжаллашиб қолган борми, онлавий можаро қилган борми, ашаддий жиноятчи борми — қўйингки, ҳар хил кишилар бу ерга келиб туришади. Лекин ҳар бир ишнинг «ичида» инсон тақдири ётганлиги учун ҳам Собит Дадажонов суд раиси сифатида унга жуда эътибор билан қарайди.

Ҳар ишни шошмасдан, синчиклаб кўришни одат қилиб олган Собит Дадажонов халқ маслаҳатчиларининг фикрига қулоқ солади. «Маслаҳатли кенгаш тарқамас», деган халқ мақолига доимо амал қилади, коллегиячиликни бузмаслиги туфайли, унинг кенгашиб чиқарган ҳукм ва қарорлари юқори суд органлари томонидан доимо тасдиқланади.

Судья С. Дадажонов тадбирли ва ташкилотчи одам. Партиявий топшириқларни ўз вақтида, ҳалоллик билан бажаради. «Билим» жамиятининг аъзоси сифатида «Совет суди социалистик қонунчиликни ҳимоя қилишда», «Оила ва никоҳ тўғрисида», «Жамиятга зарарли текинхўр унсурларга қарши курашни кучайтириш тўғрисида» ва бошқа темаларда район меҳнаткашлари ўртасида тез-тез лекция ва суҳбатлар ўтказиб туради. Унинг сермазмун, ҳаётий фактларга бой лекцияларини тингловчилар мамнуният билан эшитадилар.

Олий маълумот олгач, ўзининг дастлабки меҳнат фаолиятини Октябрь район халқ судида оддий секретарликдан бошлаган Собит Дадажонов катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. Суд ижрочиси, халқ судининг раиси, область суди жиноий ишлар коллегиясининг аъзоси, ҳозирда район халқ судининг раиси, Собит Дадажоновнинг қисқача ҳаёт йўли ана шундай.

Яқинда, Октябрь район меҳнаткашлари адолат посбони Собит Дадажоновга яна катта ишонч билдириб, халқ судьялигига унинг номзодини якдиллик билан кўрсатишди.

А. ИСМОИЛОВ.



Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётн қошида энг замонавий полиграфия талабларига жавоб берувчи янги чуқур босма фабрикаси қурилиши олиб борилмоқда. Бу йирик корхона ишга тушгач, рангли марказий ва республика журналларини нашр этиш сифати янада яхшиланади.

СУРАТДА: чуқур босма фабрика агрегатларини монтаж қилиш пайти.

М. Нурмуҳамедов фотоси.

Илм ва меҳнат эгизак

ТАДБИРЛАР САМАРАСИ

Бу ерда аввалари меҳнатни илмий асосда ташкил этишга унчалик эътибор берилмас, бу эса ўз навбатида меҳнат унумига таъсир этмай қолмасди. Корхонада фақатгина лаборатория ишлаб турар, унинг ходимлари меҳнатни янгича ташкил этиш билан машғул бўлишарди. Аммо кабель заводидек катта корхона учун бу етарли эмасди. Бултуғ бу ерда меҳнатни илмий ташкил этиш бўлими тузилди.

Дастлабки пайтларда кўпгина қийинчиликлар юз берди, албатта. Чунончи, тузилган планларнинг ижроси мунтазам текшириб борилмас, уларнинг бажарилиши учун бирон аниқ шахс жавобгар бўлмасди.

Яқинда, пойтахтимиздаги кабель заводида бўлиб, бўлим ишлари билан таништганда, юқоридаги камчиликлар бутунлай тугатилганлигининг гувоҳи бўлдик. Эндиликда, планлар умуман тарқоқ, бир-бирига боғланмасдан тузилмай, балки комплекс суратда тузилади. Ҳар ойда бирон кишига комплекс планнинг қандай амалга оширилишини кузатиш топширилади. Жавобгар шахс завод партия комитети, бош инженери олдида ҳисоб беради. Ҳар бир планда 20—25 тадбир бўлади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг тежамкорлик тўғрисидаги Хати асосида бу ерда 130 га яқин тадбир ишлаб чиқилган эди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, кўплаб электр энергияси, материаллар тежаб қолишга қаратилган бу тадбирларнинг катта иқтисодий самара бериши кўзда тутилган эди.

Ҳозиргача анчагина ишлар қилинди. Беш йиллигининг сўнгги йилида 102 та тадбирни амалга ошириш мўлжалланган бўлса, бунинг асосий қисми рўёбга чиқди. Бундан олинган иқтисодий фойда 450 минг сўмдан ҳам ошиб кетди.

Корхона меҳнатни илмий ташкил этиш бўлими бошлиғи ўртоқ Н. Павлий билан суҳбатлашганимизда, у бу бўлим ишлари ҳақида, бу ерда амалга оширилаётган янгиликлар ҳақида бажонидил сўзлаб берди.

Ҳозиргача бўлимнинг 12 та планни муваффақиятли амалга оширилди. Яна йил охиригача учта участкада ана шундай тадбирларни жорий қилишга ҳаракат қилинмоқда. Деярли барча цехларда бўлим ходимлари томонидан ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Буларнинг иқтисодий фойдасини ҳисобласангиз, бир неча юз минг сўмни ташкил этади.. Масалан, биргина технологик режим кўриги корхонага 80 минг сўм фойда келтирди.

Заводда маҳсулот тайёрлаш учун меҳнатни мумкин қадар камроқ сарфлаш ҳаракати жуда кучли. Корхона инженер-техник ходимлари, ишчи-хизматчилари шу йўл билан меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтиришга муваффақ бўлишяпти. Маҳсулот тайёрлаш учун сарфланадиган меҳнат нормасини камайтириш эвазига 50 минг сўмдан ортиқ иқтисодий фойда кўрилди.

Корхонанинг ҳамма цех, участка ва бригадаларида эски нормалар қайта ишлаб чиқилди. Бунинг учун нималар қилинди? Аввало иш вақти пухта ўрганилди. Иш вақти йўқолишини камайтиришга эришилди. Техника контроли бўлими назоратчилари зарур асбоб-ускуналар билан таъминланди. Натижада, техник асосланган ишлаб чиқариш нормаси завод бўйича 53,5 процентга етказилди. Бу — жуда қувонарли ҳол албатта. Фақатгина эски нормаларни қайта ишлаб чиқиш туфайли, корхона коллективи 30 минг сўм фойда кўрди.

Аввалари мис симлари калта-калта тайёрланар, бунга иш чи кучи ҳам кўп талаб қилинарди. Бўлим ходимлари изланиши туфайли, бу симлар эндиликда узун ўлчовларда тайёрланмоқда. Бу олти ишчини бошқа ишга ўтказиш имконини берди. Маҳсулот сифати ҳам анча яхшиланди. Айниқса 8-10, 11-цехларда меҳнат унумдорлиги ҳам, маҳсулот сифати ҳам юқори бўлмоқда.

Меҳнатнинг илмий ташкил этилиши туфайли бошқарув аппаратини такомиллаштиришга эришилди. Бу сохада кўрилган тадбирлар яхши самаралар берди. Оқилона тадбирлар туфайли, беш ходим бошқа ишга ўтказилди. Бошқарув аппарати янада ихчамлашди.

Шуниси қувончлики, бўлим ходимлари яхши тадбирларни таклиф қилганлар учун конкурслар уюштириб туришмоқда. Чунончи, шу йилнинг 1 ноябридан келгуси йилнинг 1 апрелига қадар энг яхши ва кўп тадбирни таклиф қилган ишчилар конкурси белгиланди. Бу ерда намунали таклифлар киритган ишчиларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш йўлга қўйилган. Бу тадбирлар цехлараро йиғилишларда тез-тез муҳокама қилиниб турилади.

Партиямизнинг навбатдаги XXIV съезди шарафига ўзаро мусобақани кучайтираётган завод коллективи ютуқларига корхонанинг меҳнатни илмий ташкил этиш бўлими кўшаётган ҳисса тобора салмоқли бўлмоқда. Ибратли тадбирлар туфайли, Сергей Кормилов ва Юрий Ильичев ўртоқлар бошчилик қилаётган цехларда айниқса меҳнат унумдорлиги юқори даражада бўлмоқда.

Бўлим бир йил ичида анча ишлар қилди. Шуниси яхшики, бўлимда ҳар хил ихтисосдаги инженерлар ишлайди. Юқори малакали технолог ва инженерлар ишнинг кўзини билиб меҳнат қилишади. Уларнинг ишига ижодий бригадалар катта ёрдам бермоқда. Бу ерда ҳар бир планга махсус ижодий бригада тузилади. Бу бригада составига цехларнинг пешқадамлари, новаторлар, рационализаторлар киритилади.

Дарҳақиқат бу корхонанинг НОТ бўлими ишлари ҳар жиҳатдан мақтовга сазовор. Бўлим ходимларининг ягона нияти корхона коллективига яқиндан бевосита ёрдам бериш, уларнинг тобора яқинлашаётган съезд шарафига меҳнат армуғонларини янада кўпайтиришдан иборатдир.

И. ҲАМИДОВ.

Ака-укалар

Тўққизинчи қаватда ғишт тераётган йигит пастга назар ташлади. Катта йўлкадан кишилар турна қатор у ёқ-бу ёққа ўтиб туришипти. У гўё маст уйқудан уйғонган кишидек узатилган ғиштни дарҳол олиб режа билан тера бошлади. Зимдан ёнида ғишт тераётган шеригига қаради. «Акрамнинг авжи ёмон эмас»— кўнглидан ўтказди Усмон. Акрам эса шеригига парво қилмай ишни давом эттирди. Кун баландлашган сари қуёшнинг нури баданни қизитар, панеллар тафтини осмонга кўтарар эди. Вақт анча бўпти. Яна бир соатдан сўнг тушликка чиқишади. Ҳали яна анча иш қилиш керак. Кун исиган сари иш суръати пасайиб, соя-салқин жойлар қишиларни ўзига имлаётгандек бўларди. Катта йўл чеккасидаги скамейкаларда ўтирган кишилар, рўпарадаги сув дўкони ёнида навбат кутаётганлар сафининг тобора кўпайиши ҳам шуни тақозо қиларди.

Ниҳоят тушликка чиқишди. Усмон ерга тушиши билан қирандан мириқиб сув симирди. Дўстлари билан озгина ҳазил мутойиба қилгач, ўзини салқинга олди. Коржомасини ерга ёзиб, цемент пол устига ёнбошлади. Зах ер унинг баданидан офтобнинг тафтини тортиб олди.

Қилинган ишни ўзича хомчўт қилди. Салқинда келгани яхши бўлган экан. Кунлик норма бажарилишига оз қолипти. Яхши ишлагандан кейин иштаҳа очилади. Уйидан олиб келган ҳасанни акаси Акрам ва ўртоқлари билан баҳам кўрди. Энди папирос чекса ҳам бўлади.

Мана ўн йилдирки, улар шу бригадада ёнма-ён ишлашади. Ўтган вақт мобайнида дурадгорлик ва ғишт терувчилик касбининг сир-асрорини яхши ўрганиб олишди. Йилдан-йилга ишчи разрядлари ортиб бормоқда. Шуни-си қизиқки, ака-укаларнинг иш суръати ҳам, разряди ҳам ҳамиша бир хил. Фақат касбдошларини эмас, балки уй ичидагиларини ҳам хурсанд қилади. Биринчи ушлаган ранда билан андава шуҳрат белгиси сифатида уйларида сақланади. Яхшилаб мойлаб қўйилган асбобни кўрганда биринчи синфда ўқиган китобларини кўргандек бўлишади ака-укалар.

Усмон узоқ ўйга чўмди. Акрам билан ўтган ёшлик йилларини эслади. Улар ёш лигиданоқ ота-оналарига ҳар хил ишларда ёрдам беришди: сув ташиш, ҳовли супуриш, деворларнинг тешикларини суваш, ишдан чиққан уй-рўзғор буюмларини ремонт қилиш улар зиммасига юкланарди. Ишдан ва ўқишдан бўш қолди дегунча қўлга арра билан теша олиб қушларга ин ясашга киришарди. Ҳовлидаги гуллар ва ва дарахтларни парвариш қилиш ҳам икковининг зиммасига юкланган эди.

— Қурилишга ишга борамиз!— ака-ука катталарга ўз истакларини шундай изҳор қилишди.

— Майли, қаерда бўлса ҳам ҳалол ишласаларинг, юнларнинг бутун бўлади.

Ака-ука бошқармага ишга келишганда ҳам иккаласини бир бригадага бириктиришларини илтимос қилишди. Бошқарма раҳбарлари уларнинг бир сўзини икки қилишмади. Мана, неча йилдирки, Эркин Мусаев бошқарган бригадада ишлашиб келмоқда.

— Буларнинг қайсиниси каттаю, қайсиниси кичиклигини билиш қийин, — дейди участка бошлиғи Ғайбулла Султонов ака-ука Икромовлар тўғрисида гап юритар экан.— Ишлаши, норма бажариши, ҳатто касб ўзлаштириш ҳам бир хилда. Ишга кириштими, на вақт, на об-ҳаво билан ҳисобламайди.

Участка бошлиғининг гапини бўлиб, бошқарма партия бюросининг секретари Рафаэл Давидов қўшимча қилди:

— Бешқайрағоч массиви да киносъёмка базаси қурилаётган пайт эди. Бригада икки объектга бўлинган. Колинин районидаги механика устахонаси ҳам қисқа муддатда фойдаланишга топширилиши керак. Ишчи кучи етишмайди. Нима қилиш керак? Бу масалани ўртага ташладик. Шунда Усмон Икромов сўз олиб дўстларига мурожаат қилди:

— Ҳаммамиз ҳам шу қурилишдан нон топиб, оила боқамиз. Қанча кўп ишлаб, кўп ҳақ олсак, турмушимиз шунча яхши ва фаровон бўлади. Агар сизлар йўқ демасаларинг, ишдан кейин бир-икки соат кечроқ қолсак ёмон бўлмас эди.

—Тўғри ҳаммамиз бу таклифга қўшиламиз. — деди биров уни қувватлаб.

Шу-шу бўлдию, ҳар икки объектда иш икки сменадан уюштирилди. Қурилиш материаллари, қоришма ўз вақтида келтириб турилди. Натижа ёмон бўлмади. Бир вақтнинг ўзида икки объект муддатидан олдин бажарилди. Анчагина қилиб айтганда, йиллик планга қўшимча минг ўринли мактаб фойдаланишга топширилди. Участка эса фақат бошқармада эмас, балки трестда, Бош бошқармада ҳам илғорлар сафидан жой олди.

Усмон тушлик тугагач яна ўз жойига чиқиб ғиштларни режа сизига тўғрилаб тера бошлади. Ундан сал нарироқда эса Акрам ёғоч йўниб, тахта силлиқламоқда. Бригададошларининг ҳам қўлиқўлига тегмайди.

Оқшом тушди. Усмон ҳам пастга тушиб, ювингач, бутунги ишига якун ясади. Иш ёмон бўлмаяпти. Норма 150 процент бажарилди. Бошқалар ҳам ундан қолишмади.

— Бугун Акрам сиздан ўзиб кетганга ўхшайди,—ҳазиллашди бригадир.

— Акрам ўзди нима бўлдию, мен ўзиб кетсам нима?! Барибир бригада ишига ҳисса қўшамиз.

— Бўш келманг, полвон, — деди биров.

— Албатта,— деди Усмон.— Эртага ҳаракат қилиб кўрамиз...

Ҳозир ака-ука Усмон ва Акрам Икромовлар 1972 йил ҳисобига ишлашаяпти. Улар ўзларининг меҳнатсеварликлари, ғайрати ва камтарлиги туфайли фақат 13-қурилиш бошқармасида эмас, балки 159-трестнинг «Ҳурмат тахта»сидан тушмайди.

Х. ҲАКИМОВ.

ХАРИДОРЛАР ТАЛАБИНИ ЎРГАНИБ

Шаҳримиздаги модалар уйида улгуржи ярмарка ташкил этилди. Унда республикамиз савдо ташкилоти ҳамда Енгил саноат министрлигига қарашли корхоналарнинг тайёр кийимлари намойиш этилмоқда. Тошкентдаги «Қизил тонг» фирмаси, 1 ва 2-тикувчилик фабрикалари, Қўқондаги Охунбобоев номли, Чирчиқдаги «Гунча» фабрикалари ўз маҳсулотлари билан қатнашяптилар. Ярмаркада 270 миллион сўмлик тайёр кийимлар, 40 миллион сўмлик бошқа хил маҳсулотлар намойиш этилмоқда.

Ярмаркани ташкил этишдан мақсад, корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг фасони, ранги, юпқа-қалинлиги, қисқаси аҳолининг дидига қанчалик мос келаётгандигини ўрганишдан иборатдир.

Бизнинг магазинимиз фақат Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган енгил саноат маҳсулотларини сотади. Бу ерга харидорлар жуда қимматли таклифлар билан келишади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини, моделини яхшилаш борасида ҳар хил маслаҳатлар беришади. Биз уларнинг талаб ва таклифларини ўрганиб, корхона раҳбарларига етказамиз. Улар бу таклифларни ишлаб чиқаришга жорий этиб, аҳолига чиройли, хушбичим тайёр кийимлар ишлаб чиқаришмоқда.

Биз улгуржи ярмаркадан ҳам маҳсулотлар олдик ҳамда корхоналар билан шартнома туздик. Ярмаркада қатнашаётган корхоналарга ўзимизнинг эътирозларимизни ва таклифларимизни билдирдик.

Харидорларнинг талаб ва истакларига биноан келаси йилдан бошлаб магазинимизда болаларнинг тайёр кийимлари сотила бошланади. Яқинда биз республикалараро улгуржи ярмаркада бўлиб, магазинимиз учун «Гунча» фабрикаси, «Юлдуз» ва «Қизил тонг» фирмалари, Қўқон ҳамда Самарқанддаги тикувчилик фабрикаларидан хотин-қизлар ва эркаклар тайёр кийимлари билан бир қаторда болалар учун ҳам тайёр кийимлар тикиб беришни таклиф қилдик. Улар билан шартнома ҳам тузилди.

С. ЮСУПОВ.

«Таштекстильшвейторг»га қарашли 12-магазин директорининг ўринбосари.

•БУГУНГИ ТОШКЕНТ



СУРАТДА: Қатортол кўчасида ги «Тошсовет 50 йиллиги» кино-театрининг кўриниши.

Ю. Бутусов фотоси.

2 бет. Тошкент оқшоми

3 ДЕКАБРЬ, 1970 Й.

Тошкент оқшоми

ПОЧТАСИДАН

«Союзпечать» дўкони бўлса

Ҳозирги замонда газета, журнал, техник китобларни ўқимайдиган одам йўқ бўлса керак. Биз яшаётган 11-Шимолий Шарқ массиви кундан-кунга ўз жамолини очиб, чиройли бўлиб бормоқда. У ерда қурилиш ишлари жуда тезлик билан олиб борилянти. Бу массивдаги озиқ-овқат магазинлари, дорихоналар, поликлиникалар, болалар боғчалари аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқдалар. Шунга қарамай баъзи бир эътибордан четда қолиб кетаётган масалалар бизларни ўйлантириб қўймоқда. Шулардан бири массив аҳолисига хизмат қиладиган «Союзпечать» дўконининг йўқлигидир.

Бизнингча, газета ва журналлар билан савдо этувчи дўконни 13 ва 22-трамвайларнинг охирги бекати—Красновосточний кўчасига қўйилса, ҳаммага қулай бўлур эди. Нега деганда бу жой чорраҳа бўлиб, Високовольт ва 11-Шимолий-Шарқ массиви аҳолисининг энг серқатнов еридир.

З. РУСТАМОВ,
инженер.

Ўгай кўча

Бешқайрағоч массивининг Фурқат номли маҳалласида Истироҳат кўчаси бор. Бу кўчада юз ҳонадон истиқомат қилмоқда. Лекин, Шоҳр, Мардлик, Муаллим кўчаларида истиқомат қилувчилар супуриндиларни шу кўчага чиқариб ташлайдилар. Бу кўча ёзда чанг, қишда эса ботқоқ бўлади. Бу ерда яшаётганимизга беш йил бўлди. Лекин шунга қарамай кўчага асфальт уёқда турсин, шағал ҳам ётқизилган эмас.

Энг чидаб бўлмас томони шундаки, Истироҳат кўчаси молларни қўйиб юбориб боқиладиган сайҳонга айланган. Шунинг учун кўчадаги ҳамма дарахтлар қуриб кетмоқда. Ободончилик ишлари ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас.

Бундай ачинарли ҳолга маҳалла комитетидагилар ҳам, район ички ишлар бўлимининг участка вакили Султонов ҳам эътибор бермасдан келаётир. Октябрь райкомхозининг мудири Ўртоқ Файзиевга ҳам бир неча бор мурожаат қилинган. Лекин ундан ҳам ҳеч бир садо чиқмади.

Истироҳат кўчасининг аянчли аҳволидан ким хабар олар экан?

М. АБДУЛЛАЕВА.



Фотоҳаваскор А. Чаплигина редакциямизга ушбу суратни йўллаб уни «Химия дарсида» деб атабди.

Қачонгача?

Киров районидаги Ҳурматли кўчасининг очилганига ўн беш йил бўлди. Лекин унинг шохобчалари шу дамгача очилиб, ободонлаштирилмаган. Хусусан 1-проездда аҳвол ёмон. Унинг чеккасини икки-уч киши девор билан ўраб олиб, гул ва экинлар экиб фойдаланмоқда. Ҳар куни минглаб йўловчилар торгина йўлкадан қатнаб, ёзда тупроқ-қа, қиш кунлари эса лойга беланяпти. Айниқса, мактаб болаларига қийин бўлаётир.

Ҳурматли кўчасининг 1-проездидаги аҳвол ҳақида Киров район ижроия комитети коммунал хўжалиги бўлимидаги ўртоқларга 1968 йилдан буён бир неча бор мурожаат қилдик. Афсуски, ҳеч қандай натижа йўқ.

Очил ХУЖАЕВ,
пенсионер.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«КИОСКА КОПТОК ЭМАС»

Шу сарлавҳа остида газетамизнинг 29 сентябрь сонида босилган материалда 78-киоскаининг яхши ишламаганн танқид қилинган эди.

«Союзпечать»нинг шаҳар дирекциясидан олинган жавобда бундай дейилади:

Дарҳақиқат бу киоска нормал ишламаган эди. Киоскачи Оловиддинов ўрнига бошқа киши тайинланди. Ҳозир киоска нормал ишламоқда.

Капитан Гастеллонинг ҳамполки

„Таштекстильмаш» заводининг слесари Н. П. Дегурков Тошкентдаги 89-мактаб жанговар шон-шуҳрат клубининг Н. Ф. Гастелло командирлик қилган бомбардимончи самолётлар эскадрильясида хизмат қилган эди. Шу қисмнинг старший техниги Н. П. Дегурков фашист Германияси устидан қозонилган ғалаба тўғрисидаги хабарни шу қисмда эшитди, империалистик Японияни тор-мор келтиришда иштирок этди. Фронтчининг кўкрагини бешта жанговар мукофот безатиб турибди.

Тинч меҳнатга қайтиб келган Н. П. Дегурков «Таштекстильмаш» заводида чорак асрдан буён меҳнат қилмоқда. Корхонада унга биринчилар қаторн коммунистик меҳнат зарбдори унвони берилди. У Ленин юбилейн медали билан мукофотланди.

Советлар мамлакатининг жасур лочини Гастелло учган самолётни охирги марта қурол билан шайлаб қолган кишининг сўзларини болалар зўр ҳаяжон билан тинглар эдилар.

— Капитан Н. Ф. Гастелло урушнинг бошидаёқ биринчи марта ерда жасорат кўрсатган эди,— деди ветеран болалар билан бўлган учрашувда.— Бизнинг бомбардимончи эскадрильямиз жанговар топшириқни бажариб қайтиб келаётганида душман самолёти сездирмасдан самолётларимиз ёнига қўшилиб олган. Машиналар аэродромга қўнганида фашист учувчиси бизнинг самолётларимизга қараб ўт очган. Эскадрилья командири ҳавф-хатарни назар-писанд қилмай, отувчи кабинасига жадал киради-да, пулемётдан мерганлик билан ўт узиб, фашист калхатини уриб туширади. Иккинчи марта у ўзининг ёниб турган самолётини душман танклари ва автомашиналари колоннасига қарши йўллаб ана жасорат кўрсатди. Бунинг учун унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Тошкент мактабларининг ўқувчилари довюрак учувчининг хотирасини ҳурмат билан эсламоқдалар. Пионер отрядларидан бирига капитан Н. Ф. Гастелло номи берилган. Болалар Гастелло хизмат қилган қисмга хат ёзиб турадилар, Ватанимиз ҳаво чегараларини қўриқлаётган кишилар билан тез-тез учрашиб турадилар. Мактаб ҳузурида музей очилган. Музейда Совет Иттифоқи Қаҳрамони Н. Ф. Гастеллога бағишланган бўлим бор.


В. ШЕВЦОВ,
ЎзТАГ мухбири.

СУРХОНДАРЁ ЛИМОНЛАРИ

ДЕНОВ. (ЎзТАГ). Жанубий Ўзбекистон селекция ва мевачилик станцияси участкасида лимон ҳосили етилди. Ҳосил мўл, ҳар туп дарахтда юзтагача мева бор.

Станцияда Ўзбекистон жанубидаги қуруқ субтропик шароитда цитрус мевалар етиштириш агротехникаси ўрганиш ишн кўп йиллардан бери олиб борилмоқда. Лимон дарахтларини ҳандоқда ва ер устида ўстиришнинг олимлар таклиф этган усуллари Сурхондарёнинг бир қанча хўжаликларида муваффақиятли қўлланилмоқда. «Ҳазарбоғ» ва «Сурхон» совхозларида лимонзорлар барпо этилди.

Ҳозир саккизта колхоз учун полиэтилен пленкадан фойдаланиладиган енгил типдаги теплицаларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Станцияда тайёрланган беш минг туп лимон кўчати область хўжаликларига тарқатилади.



СУРАТДА: Чилонзорда бунёд этилаётган кенг профилли 16-клиник шаҳар касалхонасининг кўриниши. Яқин кунларда бу ерда катта янги корпус фойдаланишга топширилади. Ҳозир унинг қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

КЎРИШ ХОТИРАСИ ЎТКИР ЙИГИТ

Москвадаги техника институтларидан бирининг 19 яшар студенти Саша К. бир сатрга ёзилган 42 рақамли сонни нўпи билан уч минутда ёдлаб ола билади.

ТАСС мухбири хотира проблемаларига бағишланган асарлари билан донг таратган совет психологи Александр Лурия лабораториясида хотирлаб қолишга бағишлаб ўтказилган шундай тажрибанинг гувоҳи бўлди.

Саша оқ қоғозга ёзилган рақамлар қаторига 15 секунд мобайнида тикилиб турди. Сўнгра қоғозни бир чекқага қўйиб боя кўрган рақамларини 45 секунд мобайнида такрорлаб чиқди. Шундан кейин ҳар иккала операция такрорланди. Шундан кейин 2 минут 40 секунд ўтгач, Саша ёзилган бояги ҳамма рақамларни қарийб ҳеч тутилмай ва хато қилмай бирма-бир такрорлаб берди.

Профессор Лурия бу студентни кўриш хотираси гоят ўткир киши деб атади. Саша кўрган рақамларини дилида такрорлаётганида рақамлар сатри баайни босилган ҳолда пайдо бўлади ва у ҳатто бир рақамни иккинчи рақамдан ажратиб турувчи оралиқлар энидаги тафовутни ҳам кураолади.

Контроль қилиб кўрилганида Саша бир кўрган рақамларини узоқ вақтгача ёдида сақлай олар экан. У тажриба ўтказилганидан 10 кун кейин ҳамма рақамларни бехато такрорлади.

А. ГРИГОРЬЕВА,
(ТАСС мухбири).

● ЁШ ТАЛАНТЛАРИМИЗ

Раққоса хиром айлар...

САҲНАДА бир қиз рақсга тушмоқда. У ўз қалбидаги ҳис-ҳаяжонини сўз билан ифода этмасада, унинг ибо билан рақсга тушишида латиф бир мазмундорлик ва эзгулик, қувноқ ёшликка хос жозиба, қалб тўрида яшириниб ётган нозик туйғулар жўшқинлиги намоён бўлмоқда. У ўлкамиз гўзаллигини, яшамоқ тотини, ҳаёт нашидасини рақс тили билан мадҳ этмоқда.



Эндигина йигирма бир баҳорни кўрган ёш раққоса — Дилоромнинг рақслари ана шундай мафтункорлик руҳи билан суғорилган. Дилоромнинг рақсларидан «Чаққон қиз», «Оразибон», «Гулсара», «Занг», «Пилла», «Гўзал», «Чарх» каби ларни кўрган томошабин бунга ишонч ҳосил қилади.

1967 йилда Дилором Раҳматуллаева Тўқимачилар маданият саройидаги халқ рақс ансамблига келиб қўшилди. Бу ерда Дилоромга меҳрибон мураббий, Ўзбекистон ССР халқ артисти Маргаритахоним Оқилова устозлик қила бошлади.

Дилоромнинг биринчи ижро этган «Чаққон қиз» рақси кўпчиликка манзур бўлди. Ёш раққоса фақатгина мураббий кўрсатган ҳаракатлар билан чегараланиб қолмасди. У рақсни саҳналаштиришда мураббийси билан биргаликда фикр юритар, қандай ҳаракат қилса, томошабинга маъқул бўлиши хусусида ўйларди.

Дилоромдаги бу мустақил ижодий интилиш ва рақс жозибадорлиги учун бўлган изланишлар устозларининг эътиборини қозонди.

Ёш раққосадаги бу хусусиятлар кўп ўтмай ўз самарасини берди. Унинг репертуаридан «Туркманча», «Уйғурча», «Арабча», «Бухорча», «Андижонча», «Тожикча» ва «Катта ўйин» каби қатор турли миллат рақслари ўрин олди. Дилором ана шу рақс коллективи билан Самарқанд ва Чирчиқ шаҳарларида бўлиб, меҳнаткашларнинг олқишига сазовор бўлди. Шунингдек, ўз жикистоннинг Душанба, Ўра-тепа, Панжакент, Калининобод каби шаҳар ва районларида ҳам намойиш қилди.

1969 йилда Болгар-Совет дўстлиги комитетининг Ўзбекистон бўлими ташаббуси билан Дилором Раҳматуллаева Болгарияга борди. У Болгариянинг София, Хасково, Пловдив каби йирик областларида рақс номерларини намойиш қилибгина қолмасдан, «Роченица» деган болгар халқ ўйинини ҳам ўрганиб қайтди. Ўша йилнинг ўзида бу ёш талант соҳибаси Норвег-Совет ёшларининг дўстлиги ҳафталигида қатнашиш учун Совет Иттифоқи ёш ижрочилари составида Норвегияга борди. Дилором ижро этган «Ногора», «Занг», «Пилла», «Бухорча» каби қатор халқ классик рақслари норвегиялик санъат шинавандаларига манзур бўлди. Дилором у ердан ҳам Норвегиянинг миллий «Тўй» рақсини ўрганиб, ўз репертуарини бойитиб қайтди.

Шуни айтиш керакки, Дилоромнинг асосий касби — муаллимлик. У ҳозир республика рус тили ва адабиёти педагогика институтининг 5-курсида таҳсил кўриш билан бирга, шаҳримиздаги 119-мактабда дарс беради.

Биз ёш раққосага ижодий парвоз тилаймиз.

Н. МУҲАММАДИЕВ.

Планетамиз янгиликлари

● Социализм мамлакатларида

Дўстлик қурилишининг токи

БЕЛГРАД. (АПН мухбири). Югославиянинг Сисак шаҳридаги иссиқлик электростанциясининг биринчи навбат қурилиши муддатидан илгари ва юқори баҳолар билан саноат фойдаланишига қабул қилинди. Станцияда Ленинграддаги металлургия заводида тайёрланган 210 мегаватт қувватли турбина, Харьковдаги Ленин номли «Энерготяжмаш» заводи ишлаб чиқарган генератор, Подольскдаги Орджоникидзе номли машинасозлик заводи тайёрлаган юксак унумдорли қозон ўрнатилди.

Югославияда энг йирик ҳисобланган «Обреновац» иссиқлик электростанциясининг иккинчи трубоблоки муддатидан илгари фойдаланишга қабул қилинди.

—«Обреновац» ТЭСини қуришда ленинградликлар ва харьковликлар билан бир қаторда чехословакиялик дўстлар иқтисодий ва техникавий ёрдам бермоқда, —деди совет мутахассислари бригадасининг раҳбари Лев Миронов,— улар етказиб бераётган қозонлар юқори баҳога сазовор бўлаяпти.

Москва ва Ленинград билан бирдарлашган Белград ва Загреб шаҳарлари янги электростанцияларнинг токини ола бошладилар.

Ю. ТХАЧЕНКО.

Ҳавонинг тоза бўлиши учун...

ВАРШАВА. (АПН мухбири). Польшада ҳавонинг ифлосланишига қарши кенг программали кураш бошлаб юбордилар. Польша Халқ Республикаси Сейминнинг фармонига мувофиқ ҳамма саноат корхоналари фойдаланишга топширилган кундан бошлаб чанг ушлайдиган мосламалар билан жиҳозлантирилади. Бу мосламаларнинг фойдалилигини шундай мисолдан билиш мумкин. Республиканинг энг чангланган шаҳри Хожуведаги электростанция қувурлари фильтрлар билан таъминлангач, атмосферага чиқариб ташланадиган чанглар 90 процент камайди.

Республиканинг саккиз корхонасида шу программага мувофиқ чанг ушлайдиган аппаратлар ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилди.

Мутахассис кадрларни профтехника билим юртларида тайёрлаш мўлжалланди. Баъзи олий ўқув юртлари ва техникумларнинг ўқиш программасига чанг ушлаш техника курси киритилди.

Барча воеводларнинг атмосферани муҳофаза қилиш бошқармаларида лабораториялар ташкил этилди. Бу лабораториялар зарарли аралашмаларнинг тўпланишини назорат қилиб боради ва ҳавонинг ифлосланишига қарши курашнинг энг фойдали йўлларини қидиради. Агар бирон корхона чиқиндиларда кишилар соғлиги учун зарарли бўлган моддалар миқдорини йўл қўйилган санитария нормасидан ошириб юборгани аниқланса, бошқарма ишлаб чиқаришни камайтириш ёки бутунлай тўхтатиб қўйишга ҳақли.

Дунайнинг «Радар харитаси»


ПРАГА. (АПН — Прага пресс). Чехословакия мутахассислари Дунай дарёсининг ўзанларини янги метод билан суратга олишни тугалладилар. Братиславадан Австрия чегарасидаги Линца шаҳригача бўлган 700 километрли масофада Чехословакияда тайёрланган махсус «Тесла—ПП-3» радиолокатор конструкциясининг ёрдами билан уч минг дона сурат олинди. Олинган маълумотларга асосан Дунайнинг Братислава, Будапешт, Вена шаҳарлари райониндаги ва дарёнинг кемалар қатнаши учун хавфли бўлган участкаларидаги «Радар харитаси»нинг макети тузиб чиқилди.

Қилинган иш натижаларини муҳокама қилишда Австрия, ГФР, Венгрия, Югославия, Руминия ва Чехословакия кемачилик экспертлари қатнашди. «Радар картаси»нинг макети юксак баҳо олди. Яқин вақтларда Европа қитъасидаги бу муҳим сув йўлининг муфассал харитаси тузиб чиқилади. Бу эса кема юриши хавфсизлигини анча оширади.

Автомат саралайди

СОФИЯ. АПН. «София—пресс». Болгария пойтахтидаги илмий тадқиқот институтининг ходимлари мева ва сабзавотларни уларнинг рангига қараб сортировка қиладиган оригинал автомат асбоб яратдилар. Уларнинг пишиб етилганлик даражасини фото электронли ускуна аниқлайди.

Махсус поток линияга монтаж қилинган бу автомат бир неча ўнлаб ишчининг ишини бажаради. У айниқса, тозаланган помидорни ишловдан чиқаришда, эртапишар сабзавот, шофтоли ва ўрикларни саралашда фойдали.



ЮГОСЛАВИЯ ФЕДЕРАТИВ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ.

СУРАТДА: Сисак шаҳридаги янги иссиқлик электр станцияси. Бу йил Югославияда урушдан аввалги даврга нисбатан 20 баравар кўп, 23,5 миллиард киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқарилади.

ТАНЮГ—ТАСС фотоси.

Француз олимлари эксперимент ўтказишга ҳозирланмоқдалар

ПАРИЖ. ТАСС мухбири Ю. Бабаянц хабар беради:

Космик фазони тинчлик мақсадларида ўрганиш ва ўзлаштиришда ҳамкорлик қилиш тўғрисида тузилган совет-француз битимига мувофиқ, «Луноход-1» ичига француз лазер акслантиргичи ўрнатилган.

Ана шу илмий экспериментда қатнашадиган француз олимлари юқори Пиренея департаментидаги Юга чўққисида жойлашган (баландлиги денгиз юзидан 2877 метр) обсерваторияда турибдилар. Аммо экспериментни бошлаб юбормоқ учун қуйидаги шартлар зарур:

— биринчидан, Ой кузатиш учун энг қулай фазада турмоғи керак, бундай фаза декабрнинг биринчи ҳафтасида бўлади;

— иккинчидан, лазернинг акс этиб қайтган нури пухта кузатилмоғи учун Ер атмосферасининг ҳолати осойишта ва муссаффо бўлмоғи керак. Ҳозирги вақтда Франция территориясида қиш тушиб, туман ва ёмғирлар кўпайиб бораётганлигидан ана шу талаб француз олимларини ташвишга солмоқда.

Француз олимлари Ердан туриб «Луноход-1» ни муваффақиятли бошқариш туфайли совет олимлари лазер акслантиргичнинг турган жойини аниқлашдан иборат учинчи шартнинг бажарилишига муваффақ бўладилар, деб ҳисоблайдилар.

Экспериментда қатнашувчи француз олимлари группасининг раҳбари Орзак айтдики, биз узоқ муддатли тадқиқотлар ўтказиш ниятидамиз. Совет «Луноход-1»и, деди у, лазер нури қайтаргичини Ойга етказиб бориши туфайли рўёбга чиқаётган бу муҳим иш Ойдан Ергача бўлган аниқ масофани, шу масофанинг ўзгаришини ўлчашга, кейинчалик эса бизнинг ер қитъалари ҳаракати тўғрисида олган маълумотларимизни аниқлашга имкон беради. Ой рефлектори, деди Орзак, узоқ муддат ишлайдиган қилиб ясалди. «Башарти, ушбу рефлектор акс эттирган нурни қабул қилиб олиш қийин бўлганида ҳам,— деб таъкидлади у,— совет олимлари кепажакда Ойга иккинчи рефлекторни тушириш операциясини ҳамиша такрорлаб беришлари мумкин».

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДА ЖАНГЛАР

ХАНОЙ. (ТАСС). Жанубий Вьетнамдан олинаётган хабарларга қараганда, Озодлик халқ қуролли кучлари 28 ноябрдан 29 ноябрга ўтар кечаси душманнинг 28 та мустаҳкамланган пункти ва базасини қаттиқ ўққа тутганлар, шу жумладан Нинь-Тхуан вилоятидаги Фамранг аэродромини ва Тхиатхиен вилоятидаги АҚШнинг 101-паранют дивизияси иккинчи бригадасининг постини ҳам ўққа тутганлар. Озодлик халқ қуролли кучларининг жангчилари Тхуаумот вилоятидаги Заутиенгдан 10 километр шарқи-шимолда жойлашган Америка ҳарбий базасига ҳужум қилганлар.



Лаос халқ Озодлик қуролли кучларининг қисмлари душманга зарбалар беришни давом эттирмоқдалар.

СУРАТДА: халқ Озодлик армиясининг артиллерячилари Сиенкуанг районидаги душманни ўққа тутмоқдалар.

ВИА—ТАСС фотоси.

ВАШИНГТОН ЎЗИНИ ШАРМАНДАИ-ШАРМИСОР ҚИЛДИ

АМЕРИКА ҳарбийларининг Вьетнам Демократик Республикасига қарши янги қабиҳ ирғоғарлигидан бутун дунё даргазаб бўлди. Вьетнам Демократик Республикасининг ички ишларига қўпол тарзда аралашиш, ҳаво ҳужумлари ва ракета ҳужумлари натижасида тинч аҳоли ўртасида қурбонлар бўлишига сабаб бўлган ҳарбий ҳаракатларни давом эттириш ҳақидаги Вашингтон ҳукуматининг қарорини Америка ҳукуматининг Шимолий Вьетнамни бомбардимон қилишни тамомила тўхтатиш юзасидан ўз зиммасига олган мажбуриятларининг асоссиз равишда сурбетларча бузишдан бошқа бир нарса эмас. Америка ҳарбийларининг бундай ҳаракатларн Ҳинди-Хитойдаги вазиятни янада мушкуллаштирш учун қасддан интилиш деб баҳоланмоқда. Сенатнинг ташқи ишлар комиссияси раиси У. Фулбрайтнинг гапларн тамомила ҳақ гаплардир: у Вьетнам Демократик Республикаси территориясига қилинаётган ҳужумлар «АҚШ ҳукуматн Вьетнам масаласини тинч музокаралар олиб бориш йўли билан эмас, балки уруш йўли билан ҳал этишга интилаётганлигидан далолат беришн мумкин, холос» деган эди. Бинобарин, бунда гап кўпданоқ сийқаси чиқиб қолган эски сиёсатга қайтишга интилиш тўғрисида бораётир.

Вашингтоннинг Америка ва жаҳон жамоатчилигининг талғитиш йўлидаги уринишларн натижа бермади. Пентагоннинг ваҳшиёна қилаётган ҳужумларидан кузатилган мақсад «Америка қўшинларининг хатарсиз бўлишини таъминлаш»дан ёки Вьетнам Демократик Республикаси осмонини бузиб ўтаётган Америка учувчиларининг «ҳаётини ҳимоя қилиш»дан иборат, деган гапларга ҳеч ким ишонмай қўйди. Америка десант қўшинларининг «Америка ҳарбий асирларини қутқазиш» баҳонаси билан Вьетнам Демократик Республикаси территориясидаги қабиҳ авантюристик ҳуружини оқлашга урнинган АҚШ мудофаа министри Лэйрднинг гапларн ҳам ҳар қандай асосдан маҳрумдир. Пентагон бошлиғи бу операция барбод этилганлигини тан олишга мажбур бўлди. Министр бундай операцияни ўтказиш учун президентнинг ўзи рухсат берган эди, дедн.

Давлатлар ўртасидаги муносабатларда «ваҳшиёна қонунларни жорий қилиш учун қарийб бир вақт ичида икки қитъада урининб кўрилганлиги эътиборни ўзига жалб этади. Биз бунда Португалиянинг Гвинея Республикасига қарши жиноий қуролли агрессиясини кўзда тутамиз. АҚШнинг Вьетнам Демократик Республикасига қарши ирғоғарлик ҳаракатларида бўлгани каби бу ерда ҳам мустақил, суверен давлатга қарши агрессив ҳаракат қилинаётганлигини кўрамиз. Ҳар иккала ҳуружнинг олдиндан планлаштирилиб қасддан қилинганлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Ҳар иккала ҳуружда ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва халқаро ҳуқуқ принциплари қўпол равишда бузилди.

Шу хилдаги авантюралар халқларнинг озодлик ва мустақиллик йўлидаги иродасини буколмайди. Тарих буни тасдиқлаб турибди.

Жаҳон жамоатчилиги агрессорларнинг жиноятини астойдил қораламоқда. Тараққийпарвар кишилар ҳақ-рамон Вьетнам халқи билан, Гвинея Республикасининг халқи билан бирдам эканликларини яна изҳор қилмоқдалар, уларнинг ҳаққоний курашини қўллаб-қувваташ кампаниясини янада кенг авж олдирамиз, деб ваъда бермоқдалар.

Вашингтон авантюризмининг янги васвасаси ҳатто АҚШнинг Шимолий атлантик ҳарбий блокидаги иттифоқчиларинн ҳам жиддий ташвишга солмоқда. Ғарбий Европадаги кўп мамлакатлар матбуотида босилган фикрлар ва шарҳлар ҳам буни яққол исбот этади. Франциядаги бошқа кўп газеталар, шунингдек, Англияда, Бельгия, Ғарбий Германия ва бошқа мамлакатларнинг газеталари каби Парижнинг «ЭКО» газетаси ҳам «Америка ҳукуматн нлгари сураётган расмий изоҳларга ишонш қийин» деб таъкидлайдилар.

Шу кунларда Америка конгрессининг соғлом фикр юритувчи аъзоларн ташвишланиб айтаётган гапларнинг ҳам бонси тамомила тушунарлидир. Кўп сенаторлар ва вакиллар палатасининг аъзолари янги ёшкора агрессияга қарши чиқмоқдалар, демократларгина эмас, балки республикачилар ҳам қарши чиқмоқдалар. Оқ уй ва Пентагон Америка қуролли кучларининг Камбоджага бостириб кириш вақтида қилганидек, бу сафар ҳам АҚШдаги қонун чиқарувчи олий органн тамомила назар-писанд қилмаганлиги натижасида қаҳр-ғазаб кучайиб бормоқда. Ҳар иккала палатанинг аъзолари, ҳатто конгресс раҳбарлари ҳам Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилиш яна бошланганлигини матбуот, радио ва телевидение хабарларидан билиб олганлар.

АҚШнинг Вьетнам Демократик Республикасига қарши янги агрессив ҳужурлари Вашингтоннинг яқинда намойиш қилган «тинчлик йўлидаги ташаббуси» мунофиқликдан иборат эканлигини фош қилиб ташлайди. Бу ҳужурлар Ҳинди-Хитойда ҳалокатли оқибатларга сабаб бўладиган ҳарбий можарони авж олдиришга интилиш борлигини исбот қилади.

И. ОРЛОВ,
ТАСС мухбири.
ТАСС обзорчиси.

Шарқий Покистон ҳукуматининг қарори

КАРОЧИ. (ТАСС). Шарқий Покистон ҳукумати бўрондан зарар кўрган районларни тиклаш ва реконструкция қилишни дарҳол бошлаб юборишга қарор қилди. Ҳукумат ана шу мақсадлар учун даставвал 100 миллион рупия ажратди. План уй-жойларни тиклашни, янги ирригация системаси барпо этишни, электр билан таъминлаш системаси яратилишини, соғлиқни сақлаш пунктлари қурилишини, мактаблар очилишини кўзда тутади.

СОВЕТ ИТТИФОҚИНИНГ ЁРДАМИ

ДАККА. (ТАСС). Икки совет транспорт самолёти «АН-12» Шарқий Покистон пойтахти Даккага келди. Самолётлар табиий офатдан зарар кўрган аҳолига ёрдам учун кийим-кечак, пойафзал, консерва қилинган сут келтирди.

Совет эпидемиолог врачларининг биринчи гуруҳи ҳам Даккага келди. Улар бўрондан зарар кўрган районларда ишлайдилар.

„ТЎҚИМАЧИ“ ИСТИҚБОЛИ

ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТНИ ИШЧИЛАР ЎРТАСИДА КЕНГ ОММАЛАШТИРИШГА МУВАФФАҚ БЎЛГАН ПОЙТАХТИМИЗДАГИ УЧ ЙИРИК КОРХОНА — ЧКАЛОВ НОМИДАГИ САМОЛЕТСОЗЛИК ЗАВОДИ, «ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИ ВА ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ ФИЗКУЛЬТУРА ТАШКИЛОТИГА СПОРТ КЛУБИ УНВОНИ БЕРИЛГАН.

БУГУН БИЗ АНА ШУ УЧ ЮЛДУЗДАН БИРИ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИНИНГ «ТЎҚИМАЧИ» СПОРТ КЛУБИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАМИЗ.

Яқинда корхонамизда ажойиб бир тантана ўтказилди. Механика устахоналарининг слесари шахмат бўйича 1-разрядли спортчи, жамоатчи тренер Мансур Отауллаевга «Меҳнат» кўнгилли спорт жамиятининг энг яхши инструктори ва жамоатчиси» деган нишон топширилди. Бу нишонни олганлар сони эндиликда ўн кишига етди.

Мансурга нишон бежиз берилгани йўқ. У заводимиз спортчиларининг энг яқин дўсти, устози. Шахмат бўйича комбинат чемпиони. Ҳозирда эса пойтахт биринчилигида иштирок этаётир. У ўзининг ишдан сўнгги бўш вақтини спортга сарфлайди. Ҳатто дам олиш пайтларидан ҳам унумли фойдаланиб турнирлар ўтказишга ҳаракат қилади.

Бу спортчилар жамоатчилик асосида ишлаш билан бирга ўз маҳоратларини оширишганларда жами олти юзга яқин спортчи қатнашди.

Спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, волейбол, футбол, сузиш, отиш, енгил атлетика турлари бўйича ўтказилган мусобақаларда шу йилнинг ўзида 111 киши оммавий разряд нормасини бажарди. «ГТО» нишондорлари сафи яна 108 кишига кўпайди. Жамоатчи инструкторлар сафи ҳам ўсди. Эндиликда улар олтмиш кишини ташкил қилади.

Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда қуйи физкультура ташкилотлари соғломлик цехлари деб аталмоқда.

Цементдан уй қурилмаслигини, аммо унинг ғишт ва блокларни бирлаштирши учун ишлатилишини яхши биламиз. Физкультура ва спорт ҳам шундай. У моддий қиймат ишлаб чиқармасдан ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигининг ўсишига, ишлаб чиқариш эстетикасининг ошишига омиллик қилади. Бу оддий ҳақиқатни корхонамиз коллективи жуда яхши тушунади.

Р. СОЛИЕВ,
механика заводи қуйи физкультура коллективи совети раиси. 1 разрядли спортчи.

СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЦЕХЛАРИ

Корхонамизда Мансурга ўхшаган жамоатчи инструкторлар кўпчиликни ташкил қилади. Тўқувчи, 1-разрядли гандболчи Ира Матвеева, йигирувчи, 1-разрядли гандболчи Любовь Зиновьева, инструктор Олег Бидников ва бошқалар шулар жумласидандир.

Корхонамизда ташкил этилган барча соғломлаштириш группаларида машғулотлар сузиш группаларида эса умумжисмоний машқлар бўйича олиб борилади.

Спорт клуби қошида болалар спорт мактаби ишлаб турибди. Унда ўз маҳоратини ошираётган болалар сони ҳозиргача 400 спортчига етди.

* * *

Футбол ёшларининг энг севимли ўйинларидан биридир. Комбинатнинг болалар командаси пойтахт биринчилигида иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, ёшлар командаси шаҳар чемпиони бўлди.

* * *

Комбинатда физкультура ва спортни янада оммалаштириш мақсадида шу йилнинг ўн бир ойи мобайнида 7минг сўмлик спорт анжомлари сотиб олинди.



«Тўқимачи» стадионида велосипедчилар пойгаси тез-тез бўлиб туради. Комбинатнинг велоспорт секцияси мунтазам ишлаб турибди. Ҳозиргача юзга яқин велоспорт мухлислари ҳар куни машғулот олиб бормоқдалар. СУРАТДА: машғулот пайтида.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

«Тўқимачи» спорт клуби ўз сафларида салкам беш минг юшинн бирлаштиради.

* * *

Комбинатда спорт соғломлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Спорт мастери В. Жуков раҳбарлик қилаётган туризм ва альпинизм секциялари аъзолари Помир-Олой чўққиси ва Помир тоғига чиқиб, катта муваффақиятга эришдилар.

* * *

Цех физкультура ташкилотларида иккита соғломлаштириш группалари ташкил этилган. Машғулотлар сузиш группаларн ва умумжисмоний машқлар бўйича олиб борилади.

Спорт клуби қошида болалар спорт мактаби ишлаб турибди. Унда ўз маҳоратини ошираётган болалар сони ҳозиргача 400 спортчига етди.

* * *

Футбол ёшларининг энг севимли ўйинларидан биридир. Комбинатнинг болалар командаси пойтахт биринчилигида иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, ёшлар командаси шаҳар чемпиони бўлди.

* * *

Комбинатда физкультура ва спортни янада оммалаштириш мақсадида шу йилнинг ўн бир ойи мобайнида 7минг сўмлик спорт анжомлари сотиб олинди.



Ҳам фахрли, ҳам масъулиятли

Қўл тўпи комбинатимиздаги энг оммавий спорт ўйинларидан бири. Бу спорт тури бўйича командамизнинг Бутуниттифоқ мусобақаларида қатнашаётгани ҳам фикримизга далил бўла олади.

Комбинатимиз гандболчилари республиканинг бир неча марта чемпиони бўлгани учун ўтган йили касаба союз спортчиларининг Бутуниттифоқ IX спартакиадасида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Биз саккиз йилдан бери Бутуниттифоқ мусобақаларида иштирок этяпмиз. Ростини айтганда, ўтган йилдагидек муваффақиятга ҳеч эришолмагандик. Биз Ленинград, Қозогистон, Латвия, Эстония, Грузия, Арманистон ва бошқа республикалар командаларини ортда қолдириб фахрли ўттинчи ўринни эгалладик.

1971 йилда эса бизни яна жиддий мусобақалар кутяпти. Энг асосийси биз республика спорти шарафини СССР халқлари V спартакиадасида ҳимоя қилишимиз керак. Бу биз учун ҳам фахрли, ҳам масъулиятли.

Шу ўринда мен муваффақиятли қатнашишнинг асосий омили бўлган бир факт устида тўхталмоқчиман.

Командамиз мамлакат миқёсидаги мусобақаларда кўпдан бери қатнашиб келаётган бўлса-да, ўз тайёрлов базасига эга эмас. Бизнинг ҳозирги ҳолатимиз худди пойдеворсиз уйни эслатади. Ўзингизга маълумки, бундай уй узоқ вақтга чидай олмайди. Шунинг учун командамизнинг тайёрлов группаси масаласи тезроқ ҳал қилинса, айни муддао бўларди.

Г. ИШКОВ,
гандболчилар командасининг тренери спорт мастери.

СУРАТДА: қўл тўпи командаси аъзоларн машғулот ўтказишяпти.

В. Белоплотов фотолари.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ЯХШИ ФАЗИЛАТЛИ КИШИЛАРИМИЗ

Уй бекасининг юз тоннаси

Муҳаббат оинаи жаҳонда пахтазор қўйнида жавлон урётган пўлат от суворийларини кўриб қолди-да, ҳаяжондан кўнгли аланечук бўлиб кетди.

Соч баргак тақиб катта бўлган серфайз она қишлоғини, хушчақчақ дугоналарини соғиниб, механизаторлик курсини умид билан битириб, ҳамкасбларн қатори меҳнат гаштини суриб юрган серзавқ кезларини бир-бир эслар экан, юрагига эзгу ният тугиб қўйди.

«Аммо..Туроб акам нима деркинлар»,—деган андишали ҳаёл уни бир зум тинч қўймади.

Азизани ухлатиб кечки овқатга ўнаётганда ҳам фикр-зикри шу бўлди. «Ахир биз энди.. Тошкентда—шаҳардамиз-ку?»

...Умр йўлдошининг маслаҳатини маъқул кўрган Туроб уни дадаси Муҳаммаджон отанинг ҳузурига бошлаб кирди.

—Дада,—деди Туроб саломаликдан сўнг,—келинингиз бир ишни ўйлаб қопти. Менга маъқул тушди. Сиз нима дер экансиз, деб кирувдик.

—Нима гап экан? Қани, эшитайлик-чи!— кўзойнагини ҳозиргина ўқиб турган китоби орасига солар экан, қизиқиб сўради ота. Муҳаббат яна машинасини қумсаяпти. Колхозга бориб пахта териб келсам дейди, бир ойгина,—отани чўчитиб юбормаслик учун қанча вақтлигини ҳам қўшиб айта қолди Туроб.

—Майли, болам. Пахта терими ҳамманинг бошига келган тўй. Юрагида ғайрати, белида қуввати бор одам бу хайрли ишдан ўзини четга ололмайди. Қани, омин. серқадоқ қўлларини фотиҳага очди падари бузруквор,—ой бориб, омон келинг. Биздан қудаларимизга салом айтинг..

Эрта билан Туроб умр йўлдоши Муҳаббат ва қизалоғи Азизани ўз машинасида автостанцияга элтиб қўйиб ишга кетди...

* * *

—Ваалайкум ассалом, ие-ие кел, қизим! Сени қайси шамол учирди?—ҳаёт йўлини ифода этувчи сержилғ юзларида ҳам қувонч, ҳам ҳайронлик аломатлари барқ уриб турган раис унга пешвоз чиқиб сўрашди.

—Тошкент шамоли-да, раис бува—қувонч билан жавоб қилди Муҳаббат.

Келувчининг таширф буюрищ мақсадини англаган раис:

—Хўш қизим, аммо машина бошқаришни унутмаганмикинсан?—деди.

Бир уриниб кўраман-да.—умидвор кўзларини раисдан узмади жувон.

* * *

Муҳаббатнинг пахта тергани пойтахтдан келганини эшитгач, бироз: «Ажаб қилибди, ўтирадими кенг уйнинг келинчаги бўлиб»,—деб суюнса, бироз: «Нима қиларди ёш боласи билан шундан-шунга судралиб келиб. Узи-ку ,тошкентликка тегиб кетди. Таваллоҳ!»—деб куюнарди.

* * *

Тонг саҳарда пахта тераётган Муҳаббатнинг кўзи узоқдан шу томонга келаётган бир йигитга тушди, «Ким экан у!»—хаёлидан ўтказди механизатор. Муҳаббат машинасини пайкал четида турган тележка ёнига тўхтатиб турган бункердаги пахтани ағдарди. Бу—учинчиси! Дала шамоли тортқилаб бўшаштириб юборган пешонабоғини тузатиб ўтираркан, ўйларди: «Ишқилиб ишим унумли бўлсин-да.. бўлмаса.. маломатга қоламан».

— Ҳорманг,—деган таниш овоз унинг ўйини тўзитиб юборди.

Муҳаббат ярқ этиб қаради. —Вой, Туроб ака? Ростдан ҳам ўзимисиз?

—Кўриб турганингиздай? Сўраб-сўраб, зўрға топдим-а! Ўҳ-ҳў, яхши-ку, — терилган пахтага ишора қилди у.

Кейин сўзида давом этди:— Автобазамизда пахтага сафарбарлик эълон қилингандн. Аҳволни раҳбаримизга тушунтириб, мен бу ёққа кела қолдим. Шоферман-ку, иш топилиб қолар. Бу ерда ишлаганим учун ҳужжат олиб бораман.

—Жуда яхши қилибсиз, Бирга ишлаймиз денг?...

— Худди шундай.

Туробнинг келганидан хабар топган йигитлар кечқурун уни идорага бошлаб кетишди.

—Муҳаббатни зериктирмай дебсиз-да. Жуда соз. Машина берамиз.—гапни лўнда қилди раис қўлларини орқасига қилиб, очиқ деразадан ташқарига қарар экан, ўз ҳузуридаги Туробга. Хотинингиз терган пахтани ташийсиз.

Йигит раис идорасидан хурсанд бўлиб қайтди.

* * *

Шу-шу, эр-хотин пахтазор қўйнига — фидокорона меҳнат кучоғига шўнғиб кетишди. Сахий ер инъом этган, деҳқоннинг пешона тери билан етиштирилган «оқ олтин»нинг ҳар бир толаси пунктга нобуд қилинмай етказиб турилди.

Шу зайлда кунлар, ҳафталар ўтди...

* * *

...Пештоқига «Сирдарё область, Сирдарё район «Правда» колхози клуби» деб ёзиб қўйилган муҳташам бинога районда иккинчи бўлиб пахта планини дўндирган колхоз аъзолари тўпланган. Тантанали йиғилиш ҳайъатига файз киритиб ўтирган нуроний кексалар орасида кўксида учта Ленин ордени ярқираб турган колхоз раиси Жуман ака Маманов ҳам бор.

Олтинчи механизаторлар бригадаси бошлиғи Собит ака Иноятовга сўз берилганда, унга ҳурмат маъносида мажлис аҳли бир қўзғалиб олди. Собит ака колхоз планининг бажарилишига ўз бригадаси аъзолари ҳам салмоқли ҳисса қўшганлигини мароқ билан гапирар экан, ўн тўққиз иш кунида юз тонна «оқ олтин» терган тошкентлик ҳашарчи-механизатор Муҳаббат Иноғомова ва унинг умр йўлдоши Туроб Муҳамедовларнинг кўрсатган жонбозликларини мамнуният билан тилга олди.

Ўтирганлар орасидан:

—Тўғри, барака топишсин!—деган овозлар эшитилди.

Ҳалол меҳнатига яраша мактовга сазовор бўлган пойтахтлик икки ҳашарчи бир-бирларига жилмайиб қўйишди.

Республикамизнинг 4 миллион 655 минг тоннадан зиёд осмонўпар «оқ олтин» хирмонига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб. қимматбаҳо буюмлар билан мукофотланганлар орасида шаҳримиздаги ташаббускорлардан бири Муҳаббат Иноғомова ҳам бор эди. Колхоз правленнеси томонидан берилган катта эътибор учун миннатдорчилик билдирар экан:

—Келгуси йил пахта мавсумини ҳам шу ерда ўтказишга аҳд қилдик,—деди М. Иноғомова.

...Чилонзор район. 3-Чарх Комолон маҳалла, Хушбахт кўча. 37-уйда истиқомат қилувчи уй бекаси Муҳаббатхон мана шундай шижоаткор аёлларимиздан.

Р. ЛУТФУЛЛАЕВ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3.XII да Бой ила хизматчи, 4.XII да Мирзо Улуғбек.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3.XII да Қалам қошлигим, 4.XII да Тошболта ошиқ, 5.XII да Катта концерт (кундуз ва кечқурун).

Кино

3 ДЕКАБРДА

Қизил чодир (2-серия)— САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

Гул ва тош (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кечқурун).

«Трест» операцияси — «СПУТНИК» (кеч 6 да).

4 ДЕКАБРДА

Қизил чодир (2 серия)—САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Чайковский (2 серия)—МОСКВА» (кундуз соат 3 ва кеч 8 да).

Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо бошқармасининг

«ЕШЛИК» МАКТАБ — МАГАЗИНИ

Озиқ-овқат молларн сотувчилари тайёрлайдиган олти ойлик курсларга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8—10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган Тошкентда турувчи йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқувчиларга 45 сўмдан 54 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқиш даври—меҳнат стажига киритилади.

Ўқувчилар бир вақтнинг ўзида кечки ишчи-ёшлар мактабида ўқишлари мумкин.

Мактаб магазинини тугатганлар янги магазинларга ишга юбориладилар ва уларга Тошкент совет савдоси техникумининг сиртқи ҳамда кечки бўлимларига кириб ўқишлари учун имтиёз берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Кафанова кўчаси, 65-уй.

Тошкент шаҳар ижроия комитети коммунал корхоналар бошқармасининг

3-КИР ЮВИШ КОМБИНАТИ

КИРЛАРНИ ЮВИБ БЕРИШ УЧУН

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

АДРЕСЛАР:

3-кир ювиш комбинати—С. Раҳимов кўчаси, 193-уй;

5-кир ювиш комбинати — У. Юсупов кўчаси, Авиация проезди, 5-уй.

Комбинатлар шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни эрталаб соат 9 дан кеч соат 5 гача ишлайди.

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИ:

21—С. Раҳимов кўчаси, 193-уй;

33—Навоий кўчаси, Фарҳод проезди, 4-уй;

40—Чимбой кўчаси (20-ҳаммом ҳузурида);

5—У. Юсупов кўчаси, Авиация проезди, 5-уй;

28—А. Тўқаев кўчаси («Анҳор» кафеси олдида);

46—Пионерлар кўчаси, 1-уй;

ЧИЛОНЗОР МАССИВИ

25—25-квартал, 9-уй;

41—Уйғур кўчаси, Ҳақиқат проезди, 15-уй;

Қабул пунктлари душанба ва сешанба кунларидан ташқари ҳар куни эрталаб соат 10 дан кеч соат 7 гача ишлайди.

Кирларни ювиб бериш муддати—10 кун.

14 декабрь эрталаб соат 10 яримда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг совет кенгаши (2—Выборг кўчаси, 5-уй, 49 аудитория)да техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

З. М. Мусахўжаев: «Машинада терилган пахта учун комбинациялаштирилган тозалагич яратиш масалалари» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ.

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

ТЕЛЕВИЗОР

3 ДЕКАБРЬ

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси. Рус тилида: 18.00 «Ахборот» информацион программаси. 18.10 КПСС XXIV съезди шарафига. Рангли металлургиямиз фахри. 18.30 «Доктор Гомернинг укаси». Бадиий фильм.

Ўзбек тилида: 20.00 «ЕРҚИН ҲАЁТ» Ҳотин-қизлар учун программа. 21.00 Миллионлар ленинча университети. «Коммунизмнинг илмий мактаби». 21.15 «Ахборот» информацион программаси. 21.30 ПАХТА БАЙРАМИ. «Олтин водий» программасининг махсус сони. 2-кўрсатув.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

ЎҚУВ КУРСАТУВЛАРИ

ПРОГРАММАСИ

18.00 Ўқитувчилар учун консультация (ўзбек тилида). 18.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика (ўзбек тилида). 19.15 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика (рус тилида).

МОСКВА КУРСАТАДИ

20.05 «Шаҳарлар ва йиллар». Телевизион ҳужжатли фильм. 2-серия. 21.00 Янгиликлар. 21.05 Миллионлар ленинча университети. 21.35 Кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «ПОРЛА, ЮЛДУЗ. ЧА». Тошкентдан олиб кўрсатилади. 22.00 «Беш йиллик одимлари». 22.15 «Нотр-Дам узра соялар». Бадиий фильм. 2-серия. 24.00 «Вақт» информацион программаси. 00.30 Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 20.15 «Биз—эркаклар». Қисқа метражли бадиий фильм. 20.30 Хореографик новеллалар. Фильм-концерт. 21.00 «Ҳаётга йўлланма» Бадиий фильм.

4 ДЕКАБРЬ

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси. Рус тилида: 18.00 «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. «Ўзбекистон комсомоли». 18.40 «Ахборот» информацион программаси. 18.55 КПСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА. «Ҳўжалик реформаси амалда». 19.20 «Она-Ватан». Концерт. Ўзбек тилида: 20.00 «Ахборот» информацион программаси. 20.15 Отаоналар университети. 20.45 «Ўлмас ижод». Композитор Л. Бетховен туғилган кунининг 200 йиллигига бағишланган кўрсатув. 21.25 «Турналар учмоқда». Бадиий фильм. 23.00 Кўрсатувлар программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА КУРСАТАДИ

13.00 Кўрсатувлар программаси. 13.05 Янгиликлар. 13.15 Ўқувчилар учун. Профессионал-техника билим юрти ўқувчилари тайёрлаган маҳсулотлар телевизион кўргазмаси ҳақида ҳикоя. 13.45 Бадиий фильм. 15.15 Янгиликлар. 15.20 Москва кундузги кўрсатувларининг охири.

18.00 «ДЎСТЛИК ЭКРАНИ» Олмаота телестудиясининг кўрсатувлари.

МОСКВА КУРСАТАДИ

19.45 Болалар учун. Телевизион театр. «Боян Чонос». Телеспектакль. 1-қисм. 21.00 Янгиликлар. 21.05 Ўқувчилар учун. СССР халқлари рақслари. 21.30 «Касорат». Телевизион альманах. 22.00 «Ленин Октябрда». Бадиий фильм. 24.00 «Вақт» информацион программаси. 00.30 Беш йиллик одимлари. 00.50 Интервидение ЧССР—ШВЕЦИЯ командалари ўртасида хоккей бўйича ўртоқлик учрашуви. Прагадан олиб кўрсатилади. 03.00 Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

20.00 «Қўшни томон йўл». Ҳужжатли фильм (ўзбек тилида). Рус тилида: 20.00 «СССР Олий Совети» Телефильм. 20.40 «Фарзандлар». Бадиий фильм.

Тошкент 4 бет. 3 ДЕКАБРЬ, 1970 Й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского гориома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари—33-29-33, 33-29-09. масъул секретарлар—33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар хўжалиги бўлимлари—33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари. иллюстрация бўлимлари—33-27-57 саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95. эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579. НАШР 3173. Р—02008.